2010 йил 4 февраль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 24 (11.585)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Транспорт

## ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА

**Аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, кўзлаган манзилларига етказиб қўйишда шаҳар жамоат транспорти ходимларининг муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, шу ўринда йилдан йилга замонавий транспорт турларининг кўпайиб, хизмат сифати ҳам ортиб бораётганини айтиш ўринли.**

Бу борада пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «12-автобус саройи» акциядорлик жамияти транспортчилари ҳам муносиб улуш қўшишмоқда. Корхона автобуслари 10 йўналиш бўйича шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилда автосарой хўжалиги янги замонавий автобуслар билан тўлдирилди. Шу боис ҳам бугунги кунда турли русумдаги автобуслар сони 116 тани ташкил этмоқда.



Корхонада айни пайтда 225 нафар ҳайдовчи меҳнат қилиб, уларнинг кўпчилиги узоқ йиллик тажрибага эга. Шу боис ҳам улар ёшларга ўз маҳорат ва тажрибаларини сидқидилдан ўргатиб, ўринбосарлар тайёрлашмоқда.

Автосарой транспортчилари ўтган йилни муваффақият билан якунлашди. Режалар ҳар ойда ортиғи билан уддаланганлиги, йўловчилар манзилларига бехатар етказилганлиги буни исботлаб турибди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхона ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибор, қулай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари иш унумдорлиги ортиб, сифати юқорилашида муҳим ҳисса бўлмоқда. Ҳозирда автокорхона қошида «Зотли моллар» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур корхонанинг асосий мақсади шаҳримиздаги автотранспорт хўжаликларини сифатли гўшт-сут ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашдир. Бунинг учун Сергели туманида 110 гектар ер майдони ажратилиб, зотли моллар учун ферма қурилди, экинлар экилди. Жорий йилдан бошлаб эса паррандачиликни ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу, албатта, автосарой ишчи-хизматчиларини имтиёзли нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Автотранспортчиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва имкониятлар уларнинг баракали меҳнатларида, намунали хизматларида яққол ифодасини топиши, шубҳасиз.

**Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТЛАРДА: автокорхонада малакали мутахассислар меҳнат қилишади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**Мисрнинг «Асия ал-Вуста» агентлиги электрон нашрида ана шундай сарлавҳали мақола чоп этилди.**

## «ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛ ШЕРИК»

Унда муаллиф Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг барча аъзо давлатларида изчил ва барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш ва турмуш даражасини юксалтиришга кўмак берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мазкур ташкилот кузатувчи мамлакатларининг ресурслари ҳамда бозорларидан янада фаолроқ фойдаланиш ва уларни жалб қилишни ёқлаб чиқаётганини таъкидлайди.

Мақолада Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдаги фаол иштироки қайд этилади. Сўнгги 5 йилда Ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро товар айирбошлашдаги улуши 40 фоиздан ошган бир пайтда, бугунги кунда улар билан Ўзбекистоннинг товар айирбошлаш борасидаги солиштирма ҳажми қарийб 44 фоизга тўғри келади.

Нашрда айтилишича, ҳозирги кунда мамлакатда ШҲТ давлатлари сармоядорлари иштирокида 1273 та корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 246 таси 100 фоиз хориж капитали асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошида ШҲТга аъзо давлатларнинг 214 та фирма ва компанияларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтган. Айни пайтда ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 519 та корхона ташкил этилган.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил июнь ойидан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилаётгани алоҳида таъкидланади. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши савдо-иқтисодий ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни, шунингдек, ШҲТ минтақаси транспорт ва коммуникация салоҳиятини равнақ топтириш саналади. Ушбу соҳаларда кооперацияни ривожлантириш чоралари ШҲТнинг Кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш бўйича тадбирлар режасида ўз аксини топган.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгаши томонидан 2008 йил 30 октябрда тасдиқланган мазкур ҳужжат 85 та лойиҳа ва тадбирни ўз ичига олган. Жумладан, Тадбирлар режасида савдо ва сармоялар, молия ва солиқлар, табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, божхона ишлари, транспорт, илм-фан ва янги технологиялар, агросаноат мажмуаси, ахборот ва телекоммуникация технологиялари каби асосий йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

**«Жаҳон» АА, Қоҳира**

## «NEXIA» ВА «MATIZ» ЭНГ ХАРИДОРГИР АВТОМОБИЛЛАР РЎЙХАТИДА

**Ўзбек автомобиллари энг харидоргир машиналар қаторидаги ўрнини мустаҳкам сақлаб келмоқда.**

Европа бизнеси ассоциациясининг автомобиль ишлаб чиқарувчилар қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Nexia" ва "Matiz" 2009 йилда Россиядаги энг харидоргир автомобиллар қаторида қайд этилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда 1996 йилда автомобиль саноатига асос солинди. Марказий Осиёда ягона бўлган Асака автомобиль заводида энг замонавий стандартларга жавоб берадиган, қулай, хавфсиз, ишончли ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Ўзбекистон 1998 йилда автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашадиган Халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчилар ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Мамлакатимиз автомобиль саноатини изчил ривожлантиришга йўналтирилган ислоҳотлар самарасида Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналар замон талаблари асосида мунтазам такомиллаштирилмоқда. Кейинги йилларда ушбу заводда ишлаб чиқарилаётган "Nexia", "Matiz", "Lacetti", "Damas" русумли автомобиллар сафига замонавий дизайни ва қулайлиги билан жаҳондаги машҳур компаниялар автомобиллари билан рақобатлаша оладиган "Tacuma", "Epica", "Captiva" сингари автомобиллар қўшилди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз дунёдаги кўплаб ривожланган автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияларни танг аҳволга солиб қўйди. Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, 2009 йилда Японияда автомобиль сотиш ҳажми қарийб 28 фоиз пасайган. Германия ва Россияда ҳам иқтисодий инқироз туфайли автомобиль экспорти ва сотиш ҳажми сезиларли даражада тушган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган мураккаб шароитга қарамай, 2009 йилда мамлакатимизда иқтисодиётнинг кўпгина соҳалари қатори автомобилсозлик ҳам кенг ривожланди. Айни пайтда Асакадаги автомобиль заводида маҳсулот турини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, маҳсулотнинг сифатини муттасил яхшилаб бориш, замонавий технологияларни жорий этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Завод учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил этилаётгани мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиётимиз салоҳияти ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳаётий дастурлар ижросининг амалдаги тасдиғидир.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

## ХХI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- «Жиззах—Кўҳинур» шифер ишлаб чиқариш корхонасида эскирган асбоб-ускуналардан воз кечиб хориждан замонавий тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқаришда 35-40 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, модернизация туфайли 15 та янги иш ўрни яратилди.
- Бухорода перинатал маркази қурилиши бошланди. Ушбу мажмуа Бирлашган Араб Амирликлари инвесторлари маблағлари ҳисобига бунёд этилмоқда. Юз ўринга мўлжалланган уч қаватли замонавий марказни мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.
- Самарқанд шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 60 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 3000 га яқин бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Тадбир давомида 100 нафарга яқин ёшлар ўзлари ёқтирган иш билан таъминланди.
- Асака туманидаги Қоратепа қишлоғининг энг чекка «Қурама» маҳалласида 585 ўринли спорт коллежи қуриб битказилди. Коллеж қошида 50 ўринли ўқувчилар турар жойи мавжуд. Шунингдек, 7000 мухлисга мўлжалланган стадион ва ёпиқ спорт зали талабалар ихтиёрида. Ўқувчилар бу ерда 11 та спорт турлари бўйича таълим олишлари мумкин.
- Тошкент Ахборот технологиялари университети Урганч филиалида «Ёшлар диний экстремизм, фундаментализм, терроризм ва одам савдосига қарши» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти Кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ёт ғояларнинг жамиятимизга салбий таъсири ҳамда оқибатлари хусусида сўз борди.
- «Асака-Шуҳрат» хусусий корхонасида янги 800 тонналик пресснинг ўрнатилиши «General Motors Uzbekistan» корхонаси учун янада кўпроқ деталлар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришга имкон яратди. Жорий йилда «Асака-Шуҳрат» корхонаси автомобилсозларга деярли 500 миллион сўмлик маҳсулотларни етказиб беришни режалаштирган.
- Самарқанд вилояти Ургут туманида тадбиркор Р.Муҳаммадиев саъй-ҳаракати билан томёпқич материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Зилола классик сервис» корхонаси иш бошлади. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 2000 квадрат метргача қурилиш материали ишлаб чиқарилмоқда.

### ЖАҲОНДА

- Украина Олий Радаси президент сайлови тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар қабул қилди.
- Болгария парламенти Nabusso газ ўтказгичида иштирок этиш тўғрисидаги ҳужжатни ратификация қилди.
- БМТнинг Хавф-хатарни камайтириш масалалари бўйича халқаро стратегия котибияти жаҳондаги сейсмологик жиҳатдан фаол ҳудудларни аниқлади. Мазкур рўйхатга Токио, Мехико, Нью-Йорк, Мумбай, Шанхай, Калькутта ва Жакарта каби шаҳарлар киритилган. Бу ҳудудларда жами 161 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади.
- Кеча Доғистоннинг Ботлик тумани ҳудудида Федерал хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилган махсус операция чоғида мисрлик йирик террорчи, Шимолий Кавказда «Ал-Қоида» гуруҳи бўлимини ташкил этишда бош-қош бўлган Маҳмад Шабаан йўқ қилинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу террорчи 1990 йилнинг бошларидан Чеченистон ва Доғистон ҳудудида террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб келган.
- Кеча Покистонда қизлар мактаби атрофида уюштирилган портлаш натижасида 6 киши ҳалок бўлди, 32 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.
- АҚШ киноакадемияси «Оскар—2010» мукофотига турли номинациялар бўйича номзодлар рўйхатини эълон қилди. Мукофотларни топшириш бўйича тантанали маросим шу йилнинг 7 мартида ўтказилади.
- Бугун Франция темирйўлчилари иш шароитларини яхшилаш ва маошларини оширишни талаб қилган ҳолда 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар.
- Кеча Санкт-Петербург шаҳри марказидаги Нева проспектида йўналиш бўйича қатновни амалга ошираётган йўловчи автобусининг катта тезликда бекатга чиқиб кетиши натижасида бир неча киши жабрланди. Оқибатда 2 киши ҳаётдан кўз юмган, 8 та одам тан жароҳатини олган ҳолда касалхоналарга ётқизилган. Дастлабки тахминларга кўра, автобус тормоз тизимининг носозлиги натижасида шундай нохуш воқеа рўй берган.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий мавзудаги давра суҳбати «Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар, студиялар раҳбарлари, қатнашчилари, шаҳримиздаги миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида «Рақсга таклиф этамиз» мавзуида Баркамол авлод йилига бағишлаб ташкил этилган тадбир ва концерт дастури Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир банк облигациялари муомалада бўлишининг аҳамиятига бағишланди.

